Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЗУЛ-ҚАЪДА, 24-КУН. ● ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, ЖАВЗО, 5-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган — 1992 ЙИЛ 26 МАЙ, СЕШАНБА, 100-СОН • 351 • — НАРХИ: СОТУВДА 1 СЎМ 50 ТИЙИН.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Карл Хайнц Куна 25 май куни Тошкентда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовга ишонч ёрлиқлари топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросими чоғида Карл Хайнц Куна билан И. А. Каримов қисқача нутқ сўзладилар.

ГФР элчиси ўзбек халқи, унинг бошқа халқлар билан дўстликда яшашга интилишлари ҳақида самимий фикрларини айтди. У Германия мустақил Ўзбекистон билан муносабатларини тенглик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида қуради, деб ишонтирди.

Ўз навбатида И. А. Каримов Германия давлатининг жаҳон маърифатига, собиқ иттифоқ ҳудудидаги мустақил давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлигини таъкидлади. Президент Ўзбекистон билан ГФР ўртасидаги бевосита икки томонлама муносабатларнинг катта аҳамиятини уқтирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдуразоқов қатнашди.

(ЎзА).

ЎзА фотохроникаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ИПАК ҚУРТИ ПИЛЛАСИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ БУЮРТМАСИНИ КАМАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика жамоа ва давлат хўжаликларини рағбатлантириш ҳамда ипакчиликни ривожлантириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон тараққиёт истиқболини белгилаш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг республика фондига пилла етказиб бериш бўйича давлат буюртмасини белгиланган топшириқнинг 75 фоизигача камайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Давлат буюртмасидан ортиқча олинган пилланинг қолган қисми жамоа ва давлат хўжаликларининг ихтиёрига кўра шартнома (эркин) нархларда сотилади.

2. Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 21 январдаги 23-сон қарорининг 1-иловасига ҳамда шу қарорнинг 2-бандига тегишли ўзгартишлар киритилсин.

Вазирлар маҳкамасининг раиси

И. КАРИМОВ.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДОКТОР

Карл Хайнц КУНА

Карл Хайнц Куна 1937 йил 23 августда Бад-Вармбрун шаҳрида туғилган. Етуклик шаҳодатномасини олгандан сўнг 1956—1966 йилларда Мюнхен, Берлин, Монстер шаҳарларида ҳуқуқшуносликни ўрганган, судлов ҳуқуқини берадиган ҳуқуқий тайёргарликдан, олий бўғиндаги дипломатия хизматга тайёргарликдан ўтган. 1965 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган.

1966—1967 йилларда Ташқи ишлар федерал вазирлиги НАТО бўлимининг иккинчи котиби бўлиб ишлайди, 1967—1970 йилларда ГФРнинг Лондондаги элчихонасида биринчи котиб, 1970—1974 йилларда ГФРнинг Калькуттадаги бош консулхонасида бош консулнинг ўринбосари бўлди. 1974—1977 йилларда ГФР Ташқи ишлар вазирлигида БМТ бўлими бошлиғининг ўринбосари, 1977—1980 йилларда Германия Федератив Республикасининг Лагосдаги элчихонасининг доимий вакили, 1980—1984 йилларда Афинадаги доимий вакили бўлди. 1984—1992 йилларда ГФР Ташқи ишлар вазирлиги сиёсий бошқармаси маслаҳатчилар бўлимининг мудири бўлиб ишлади.

1992 йил май ойида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

Уйланган, учта фарзанди бор.

ТАШМАЧИНИНГ ЙЎЛИГА ҒОВ

Дарвозасиз ҳовлининг ҳосияти бўлмайди. Шу боисдан республикамиз мустақил бўлгач, ички истеъмол бозорини ҳимоя этиш, товар-моддий бойликлар юртимиз ҳудудидан асоссиз ва ғайриқонуний олиб чиқиб кетилишини назорат қилувчи Давлат инспекцияси ташкил топганди.

Янги тузилманинг ҳушёр ва сергак посбонлари жуда қисқа муддат ичида республикадан ташқарига чиқиб кетаётган 444 миллион сўмлик товар-моддий бойликларини ушлаб қолдилар. Бу кўрсаткич янада катта бўлиши мумкин эди. Бироқ республика чегараларини қўриқлаш учун Давлат назорати қарамоғидаги кучлар ҳали ўз, транспорт, алоқа воситалари ночор, умуман янги тузилманинг моддий-техника базасини жиддий яхшилаш талаб этилади.

Яқинда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ана шулар гапирилди.

Н. ШАКАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

МУҲИМ МАСАЛА

Аввал хабар қилганимиздек, 22 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида кенгаш бўлиб ўтди. Унда бу йил машинасозлик комплекси корхоналарида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди. Кенгашни республика бош вазири А. Муталов бошқарди.

Кейинги ойда бозорни истеъмол моллари билан кўп роқ таъминлашга бағишланган учинчи кенгаш ўтказилаётганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу эса муаммонинг ўткирлигини, шунингдек ҳукумат аҳолининг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилаётганини, шу мураккаб даврда одамларнинг талаб-эҳтиёжларини имкони борича қондиришга интилаётганини кўрсатади. Бир неча рақамни айтиб ўтамиз. Ўтган тўрт ой мобайнида комплексдаги корхоналар 35,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Халқ истеъмол моллари-нинг салмоғи 11 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон аҳолисининг мана шундай моллар-га бўлган эҳтиёжининг 62 фоизи бошқа минтақалардан ва чет эллардан келтирилган маҳсулотлар билан қондирилаётган бир пайтда бу етарли эмас, деб таъкидлади Бош вазир. Ҳозир халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва турларини ошириш — энг муҳим вазифалардир.

Республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотларнинг намуналари кенгаш қатнашчиларига кўрсатилди. Улар орасида оддий резина калишдан тортиб, газ плиталари учун электр гугуртгача, биллур чироқдан тортиб, хорижий фирмалар билан бирга ишлаб чиқарилаётган «Семруг» деб номланган рангли телевизоргача бор. Бундан кенгаш қатнашчилари мамнун бўлдилар. Айни пайтда улар республикада ишлаб чиқарилаётган моллар юксак даражада рақобатбардошли бўлсин, деган истакни айтдилар. Чунки ички бозоримизни таъминлаш билан бирга ҳар бир корхона ташқи бозорга чиқишни ҳам кўзламоғи керак.

Ўзбекистоннинг машинасозлик комплексида зўр илму зиё, фан-техника салоҳияти тўпланган, замонавий техника, технология мавжуд. Мана шуларнинг ҳаммасидан аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун тўлиқроқ фойдаланиш зарур.

Республиканинг бир қанча корхоналаридаги ишларнинг аҳволи, улардаги имкониятлардан жуда қониқарсиз фойдаланилаётганлиги ҳақида кенгашда ташвиш билан гапирилди. Масалан, Жиззах аккумулятор заводи, Янгийўл қишлоқ хўжалиги машиналари қисмлари заводи, давлат подшипник заводи ўз ишлаб чиқариш майдонларидан атиги 17-47 фоиз фойдаланаётганликларини дуруст ҳолат деб бўладими, ахир? Ҳозирги тақчил шароитда ҳам жами 170 миллион сўмлик маҳсулот сифати паст бўлганлиги сабабли сотилмай ётибди

«Фотон» бирлашмаси, «Кокандэлектромаш» заводи, «Кафолат» бирлашмаси ва бошқа баъзи корхоналар жа-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий маданиятни, анъаналар ва урф-одатларни ривожлантириш соҳасида республика фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтириш ва уларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига риоя этиш, маънавий қадриятларни тарғиб қилишга, аҳоли барча табақаларининг миллатлараро тотувлигини, дўстлигини, ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, давлат бошқаруви идораларининг, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг хайрли фаолиятини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпаниясининг, Болалар жамғармасининг, Ногиронлар жамиятининг, Қизил яримой жамиятининг, Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг, шунингдек республикадаги бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг «Наврўз» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгиланснинки, «Наврўз» хайрия жамғармасини рўйхатдан ўтказиш ва унинг фаолият кўрсатиши, корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг жамғарманинг хайрия тадбирларида иштирок этиши билан боғлиқ имтиёзлар бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва ҳукумат қарорлари билан аниқлаб қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат банки ва бошқа банклари 1992 йилнинг 14 майида ўтказилган умумхалқ хайрия хашари ва «Наврўз» телемарафонидан тушган маблағларни «Наврўз» жамғармасининг ҳисобига ўтказиш ишларини бир ой муддат ичида амалга оширсинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг Маданият вазирлиги, Давлат матбуот комитети, Давлат телерадиокомпанияси республикада ўтказилаётган хайрия тадбирларини оммавий ахборот воситаларида, телевидение ва радио орқали кенг ёритсинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида «Наврўз» хайрия жамғармасининг самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитларни яратиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 23 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ

БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳукумат номидан қуйидаги баёнотни беришга вакил қилинган:

Кейинги вақтларда бир қанча оммавий ахборот воситаларида гўё Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги давлат чегараси ёпиб қўйилди, деган хабарлар эълон қилинди. Бу хабар ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки ҳозирги вақтда Ўзбекистон—Афғонистон чегарасидан одамларнинг ўтиши ва юк ташилиши учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. МДҲда қатнашувчи давлатлар фуқароларининг ва хорижий фуқароларнинг келиши ва чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар МДҲда қатнашувчи мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг кенгаши вақтида эришилган аҳдномаларга мувофиқ ҳал этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон халқлари ўртасида тарихан таркиб топган анъанавий, дўстона алоқалар мавжуд. Мадомики шундай экан, Ўзбекистон ҳукумати Ўзбекистон—Афғонистон чегарасидаги вазият ҳақида нотўғри хабар тарқатилишини иккала давлат халқларининг дўстлигига нифоқ солиш йўлидаги урниниш, деб ҳисоблайди.

Бир қанча оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон — Афғонистон чегараси тевараги-дагги кескинлик кучайтирилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат эканини, бинобарин давлат чегарасидаги тартибни Ўзбекистоннинг манфаатларига асосланиб ва ҳамма қабул этган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ бартараф қилиш учун тўла равишда ҳақли эканини эслатиб ўтиш ўринлидир. Бундан ташқари Афғонистон ҳукуматини тузиш жараёни ҳали ниҳоясига етказилгани йўқ ва унинг раҳбарлари шу пайтгача янги давлатнинг ташқи сиёсати қайси қоидаларга асосланиши тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини айтганлари йўқ. Ўзбекистон Республикаси Афғонистон орқали ташқи дунёга чиқиш учун ўз дарвозасига эга ва бу дарвозани ёпмоқчи эмас.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

О. ҲОЖИЕВА, Ҳ. У. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Н. АМИНОВ УРТОҚЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ УНВОНЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва ижтимоий фаолликлари учун «Гулхан» журналининг бош муҳаррири **ҲОЖИЕВА Ойдинга**, «Саодат» журналининг бош муҳаррири **ХУДОЙБЕРДИЕВА Ҳалима Умматқуловнага**, «Ўзбекистон халқ шоири»; «Муштум» журналининг бош муҳаррири **АМИНОВ Неъматга** «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвонлари берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 24 май.

Неъмат АМИНОВ.

Ойдин ҲОЖИЕВА.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

У. МАҲМАТМУРОДОВ ВА Н. ШОКИРОВ УРТОҚЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ижтимоий ва маданий соҳаларни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўргут райони ҳокими (Самарқанд вилояти) Маҳматмуродов Ўлмасга, «Гулистон» район рўзномасининг муҳаррири (Сирдарё вилояти) Шокиров Насруллога «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 24 май.

ЎЗБЕКИСТОН
Ватаним маним

МУХБИРЛАРИМИЗ ВА РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

МАККАГА УЧИБ КЕТИШДИ

● **КУНИ кеча Тошкент тайёрагоҳидан ўзбекистонлик 339 фуқаро жойлашган «ИЛ-86» тайёраси Саудия Арабистонига учиб кетди.**

Маълумотларга қараганда, бу йил 4 мингга яқин мусулмон Ҳаж-ибодатини ният қилган. Улар 4 июнгача Саудияда бўлишлари керак.

Ҳожилар 15 июндан ватанларига қайта бошлайдилар.

СЎМ ҚАДРИНИ ТИКЛАШГА 6 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

● **ТОШКЕНТДА МДҲ давлатларининг марказий банк раҳбарлари ҳамда халқаро валюта фонди вакилларининг учрашуви бўлди.**

ИИҒИЛИШ иштирокчилари сўмнинг қадрсизланишини тўхтатиш, минтақаларда пул-кредит сиёсати ўтказишнинг асосий йўналишлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Халқаро валюта фонди вакили МДҲ давлатлари бу борада ҳамкорликда иш юргизишса фақат пул қадрини тиклашга 6 миллиард доллар ажратилишини айтди.

ЭНДИ УЙ ҚУРИШИ ОСОН

● **ГАГАРИН районидаги Гагарин посёлкасида янги ғишт заводи ишга тушди.**

Ҳамма жараёнлар механизациялашган. Хом ашёга бентонет глин қўшилганлиги туфайли соатига 3 ярим минг дона сифатли ғишт тайёрланаяпти. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда корхона район аҳолисининг қурилиш ашёсига бўлган эҳтиёжини 80 фоиз қондираркан.

20 МИНГ СЎМЛИК СУЮНЧИ

● **АНДИЖОНДАГИ 2-туғруқхонанинг гинекология ва физиология бўлимлари биноларн орасидаги масофа тўрт баравар қисқарди.**

ШИФОХОНАНИНГ иккала бўлими биносини махсус қурилган йўлка бирлаштирди. Уни «Шарқ» фирмаси бошлиғи Низомиддин Исроилов интизорлик билан кутилган набираси шу ерда дунёга келгандан сўнг ўз ҳисобидан 20 минг сарфлаб қуриб берди.

ЎЙИНДАН ЧИҚҚАН ЎҚ

● **ФАРҒОНА районидаги Миндон қишлоғида яшовчи Ниншонбой Турғунов ҳовлисида ўқ овози эшитилди.**

Бу ўқ 10 яшар Элёр Расуловнинг умрига зомин бўлди. Элёр ўртоғи билан ўйнаш учун қўшни ҳовлига чиқди. Уйда болалардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Деворда осиғлиқ ов милтиғини кўриб қолган болалар уни олиб ўйнашга тушдилар. Элёр беихтиёр тепкини босиб юборди. Отилган ўқ чап юзига тегиб уни ҳалок қилди. Қурол ҳужжатлаштирилмаганлиги сабабли уй соҳибидан олиб қўйилди. Энди жиноий иш қўзғатилса керак.

ТАЛАБАЛАР ЎЗ ШАҲАРЛАРИДА ЎҚИШАДИ

● **УРГАНЧДА Тошкент давлат тиббиёт институтининг бўлими очилди.**

БУ йил даволаш факультетининг 1 курсига 120 йигит-қизни қабул қилиш режалаштирилган. Энди бошқа шаҳарлардаги тиббиёт институтларида сабоқ олаётган хоразмлик талабалар шу ерда ўқишни давом эттирадиган бўлишди.

ДЎППИ ТОР КЕЛГАНДА ЭСКИСИ ҲАМ БЎЛАВЕРАДИ

● **АСАКА автомобилларни таъмирлаш 6-заводида муддатини ўтаб бўлган машиналар, эҳтиёт қисмларни қайта таъмирлаш йўлга қўйилди.**

ЭНДИ корхона ишчилари Россия заводларидан келтириладиган эҳтиёт қисмларга кўз тикиб ўтирмайдилар. Шу кунгача металломга топширилиши лозим бўлган 22 та автомобил қайта созланиб фермер хўжаликларига сотилди.

ТУРКИЯГА БОРИШ УЧУН ТИЛ ЎРГАНИШАЯПТИ

● **ЖОМБОЙДАГИ 14-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари Даврон Аноров билан Қаҳрамон Маҳкамов Туркияга ўқишга бормоқчилар.**

УЛАР конкурс асосида танланди. Ҳар иккала талаба ўзлари танлаган қишлоқ хўжалик машиналарини намунали ўзлаштирганликлари туфайли хорижда билим олишга муносиб деб топилди. Ҳозир улар курсларда турк тилини ўрганишаяпти.

МУҲИМ МАСАЛА

(Боши 1-бетда).

моаларининг тажрибаси қайд этилди. Бу жамоалар республика учун қийин бўлган ҳозирги шароитда энг янги техника ва технологияни сотиб олиш учун ўзлари валюта ишлаб топишлари кераклигини, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва хом ашё ёки чала тайёр маҳсулотларни эмас, балки тайёр маҳсулотларни сотиш лозимлигини тушунмоқдалар.

Самарқанддаги киноаппаратлари заводи яқин ўтмишда молиявий инқироз ёқасига келиб қолган эди. Коллективнинг ишчанлиги, омилкорлиги ва энг муҳими ўз кучига ишончи туфайли бозор иқтисодиётининг қийин шароитида бўҳрондан қутилиш иложи топилди. Бу ерда атиги ярим йил мобайнида аҳолига зарур бўлган ва мутлақо етишмай турган бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Энди коллективнинг ишлари юришиб кетди.

Кенгашда ишлаб чиқариш ходимлари билан ҳукумат ходимларининг корхоналарга солиқ солиш тўғрисидаги бевосита рўй-рост гурунги бўлиб ўтди. Республика раҳбарияти зиммасига бениҳоя қийин вазифа тушганлиги таъкидлаб ўтилди: бюджетдаги камомат 50 фоизга етган бир шароитда бозор муносабатларига ўтишни, унинг шафқатсиз қонунларига риоя этилишини амалга оширишга тўғри келмоқда. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда бундай бўлмаган эди. Бюджет эса, асосан, ишлаб чиқарилган ва сотилган молдан олинадиган солиқлар эвазига ҳосил бўлади, солиқ солиш фоизи бирмунча юқорироқ эканлиги ҳам шу билан изоҳланади. Шундай бўлсада, солиқнинг миқдори ишлаб чиқаришга халақит бермаслиги, балки уни рағбатлантириши зарурлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди.

Корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни ўзлари сотиш ҳуқуқини олсинлар, ўз магазинларини ташкил қилсинлар, деган масала ҳам ўртага қўйилди. Бу тадбир маҳсулотларга бўлган талабни тезроқ қондириш, истеъмолчи учун устама савдо нархи белгиланишига йўл қўймаслик имконини беради. Уч ғилдиракли болалар велосипедининг таннархи жуда арзон бўлишига қарамай, ҳозир 844 сўм сотилаётганини нормал бир ҳол деб бўладими? — дейишди муҳокама қатнашчилари. Ҳозирги савдо нархлари ҳақиқий чиқимларга мутлақо мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи бошқа мисоллар ҳам айтиб ўтилди. Бундан харидор ҳам, мол ишлаб чиқарувчи ҳам зарар кўрмоқда.

Кенгашда олимлар ишлаб чиққан бир қанча мароқли янгиликлар ҳақида ахборот берилди. Масалан, қуюқ томат ишлаб чиқарадиган линия нобудгарчиликни 30 — 40 фоиз камайтириш имконини беради. Чунки уни помидор пайкалининг ёнгинасида ишлатиш мумкин. Бундан ташқари биология жиҳатидан соф ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган жажжи завод, оби нон ёпиладиган серунум электр тандир, қуюлтирилган сут олинадиган қурилма ҳам яратилган. Буларнинг ҳаммасини ишлаб чиқаришга имкони борича тезроқ жорий этиш лозим, аммо ҳукуматнинг мадади керак. Болаларга аталган моллар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам давлатнинг мадади албатта зарурлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди.

Кенгаш қатнашчилари муҳокама чоғида кўтарилган барча масалалар кейинчалик аниқ-равшан ҳал этилиши учун ҳукумат томонидан ўрганилади ва кўриб чиқилади, деб келишиб олдилар. Республика машинасозлик комплексининг концернлари, корхоналари халқ истеъмол қиладиган юқори сифатли, рақобатбардош моллар ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо этиш ва борларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиққанликлари эътиборга олинди. Бу дастурларнинг амалга оширилиши олти миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулотни истеъмол бозорига чиқариш имконини беради.

Кенгашда Бош вазирнинг ўринбосари А. Возненко, республиканинг бир қанча вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

• *Қалам учида алам*

СЛАВСКИЙНИНГ «ҒАЛАБАСИ»

Бу «мухтор» қўрғонга илк марта бундан олти йил аввал боргандим. Ўтган муддат мобайнида кўп нарсалар ўзгарди. Қайта қуриш, жадаллаштириш, демократия, ошкоралик деган шиорлар пайдо бўлди. Қайта қуриш ниҳоясига етаётган кезларда мазкур манзилга яна йўлим тушди. Ушбу гал... бирор жойда алвон шиорларни кўрмадим. Қўрғон кенгашининг биносини ҳам зўрға топдим. Маҳаллий ҳокимият кўп қаватли уйларнинг бирига жойлашган бўлсада, иморат пештоқида ҳатто Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳам йўқ эди. Эшик олдидаги турнақатор навбатни кўрдим-у, «Тақчил мол тарқатилаяптимикан?» деб ўйладим. Йўқ, озиқ-овқатга талон улашилаётган экан. Бу юмуш билан раиснинг ўзи овора эди. Мен қўшни хонада одамларга маълумотнома ёзиб бераётган котибга мақсадимни айтдим. У раисни чақириб келди. Саломлашдик.

— Хизмат? — сўради у.

— Кон бошқармасига бормоқчиман, — дедим.

Раис К. Кузембоев бошқарма бош муҳандисига қўнғироқ қилди. Геннадий Ругаев бизни йигирма беш дақиқадан кейин қабул қилишини айтди. Вақтни ўтказмай, узун-қисқа бўлиб йўлга тушдик. Ҳашамдор бинога кираверишда ҳамроҳим биринчи бўлимга сим қоқди. У ердан эшик олдида турган навбатчига қўнғироқ бўлгач, ичкарига киришга рухсат этилди. Бош муҳандисга уран қазиб олинаётган жойларда ер ости суви заҳарланиб бораётганини, яйловлар яроқсиз ҳолатга келиб қолаётгани ҳақида эслатдим.

— Бирор киши шикоят қилдими? — сўради Геннадий Ругаев пинагини бузмай.

— Йўқ, ёзувчи Аҳад Ҳасаннинг бир мақоласини ўқигандим. У шундай деб ёзганди.

— Ким у Аҳад Ҳасан? Нега менга учрашмаган, — деди суҳбатдошим норози оҳангда. — Ҳақиқий аҳволни ёзувчилар эмас, биз биламиз. Ва менинг эътиборимни харитага қаратди. — Кўраяпсанми, мана бу бизнинг ҳудудимиз. Сен уран қандай қилиб қазиб олинишини биласанми? Билмайсан. Биз бу маъданни ёпиқ ҳолатда қазиб оламиз. Яъни, ер остига иккита қувур туширилади. Бирига кислота юборилади, иккинчисидан эса уран аралашмаси тортиб олинади. Умуман, бизнинг уранимиз — атроф муҳитига безиён.

Қўрғон кенгашининг раиси К. Кузембоев ҳам унинг сўзини маъқуллади.

— М. Горбачев ядро уруши хавфи йўқолди деб бутун дунёга жар солганди. Шунга ҳам бир неча йил бўлди. Сизлар эса...

— Ҳозир жаҳон бозорида уранга эҳтиёж камайган эмас, — деди суҳбатдошим ишонч билан.

— Геннадий Владимирович, айтинг-чи бир йилда қанча миқдорда уран қазиб олаяпсизлар?

— Айтолмайман. Бу — стратегик аҳамиятга молик сир.

— Майли, шундай бўла қолсин. Лекин ҳозир ана шу бойликдан жумҳурият қанча фойда кўрмоқда? Сизлар шу пайтгача Хўжанд комбинатига ҳисоб бериб келаяпсизлар. Биздаги «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон ер устию ер ости бойликларига ўзи эгалик қилиши керак.

Геннадий Владимирович бундай саволни кутмаган эканми, селекторга бурилиб, бош иқтисодчини ҳузурига чақиртирди.

— Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунидан хабаринг борми? — деб сўради Ругаев ундан.

Бош иқтисодчи елка қисди.

— Биз Ўзбекистонга қанча товон тўлаймиз?

Иқтисодчи яна миқ этмади.

— Майли, боравер, — деди Ругаев. Кейин менга юзланди. — Бу — ҳар ҳолда сиёсий масала. Умуман, буни комбинат раҳбарларидан сўраш керак.

Соддалигимиз қурсин-а. Йигирма йилдан бери заминимизнинг бутун бойлигини талон-торож қилаётган ушбу корхонадан фойда олиш у ёқда турсин, ҳатто товон пулини ундириши ҳам ўзимизга эп кўрмабмиз. Ахир, тегишли қонунларимиз мавжуд бўлса, маҳаллий ҳокимият — вилоят раҳбарлари яна нимани кутишаяпти?

Зарафшон олтинларини Ўзбекистон хазинасига ўтказишда шахсан Президент Ислом Каримов катта жасорат кўрсатди. У ўтган йилнинг октябрь ойида бу минтақада бўлди. Кон ишчилари билан учрашди. Ҳолбуки, республиканинг собиқ раҳбари И. Усмонхўжаевни қимматбаҳо маъдан макони ёнига йўлатишмаганди.

Мен ушбу сатрларни минг истиҳола ила ёзаётибман. Зеро, Хўжанд — бизга қўшни шаҳар, унинг халқи эса элатдошларимиз Аминманки, биродарларимиз ҳам шу пайтгача ураннинг бир граммигача хиёнат қилишмаган. Йигирма йилдан буён қазиб олинаётган Зафаробод уранини эса собиқ СССР Атом энергетикаси ва саноати вазири Б. Коновалов граммлаб қабул қилиб олган. Эндиликда бу вазирлик йўқ. Аммо унинг мулкига — собиқ Иттифоқнинг турли бурчакларидан ташиб келтирилган олтин, уран, вольфрам каби қимматбаҳо бойликларга Россия хўжайинлик қилмоқда. Бироқ жаноб Борис Ельцин ана шу улкан хазинада жафокаш Ўзбекистоннинг катта улуши борлигини ҳозирча тан олгиси келмаяпти.

Эсингиздами, Михаил Горбачев ҳокимият тепасига келгач, кўп ўтмай Сибирь сафарини бошлаб юборганди. У инсон қадами етмаган беповён минтақани жаннатмакон ўлкага айлантиришни кўнглига тугиб юрарди. Шу мақсадда қатор вазирликлар тузишга улгурса-да, барча режаларини амалга ошира олмади. Сибирликлар ўзларининг табиий бойликларини талон-тарож этилишига йўл қўймадилар, буларнинг ҳаммаси авлодлар насибаси эканлигини рўй-рост айтдилар. М. Горбачев буни тушунди. Шундан кейин у Сибирга қадам ранжида қилганида бу ҳақда гапирмайдиган бўлди. Чунки Михаил Сергеевичнинг Ўрта Осиё республикаларидан умиди катта эди. Узингизга маълум, ўша йиллари биз пахтанинг бир граммини ҳам қолдирмай Ватанга топшириш билан овора эдик.

Геологлар бутун Ўзбекистон тупроғини портлатиш билан машғул эдилар. Марказга қатнайдиган вагонлар сони кун сайин кўпайиб борарди. Чернобиль фожиасининг яралари маддалаб кетаётганди. Семипалатинскда ядро синовлари давом этарди. СССР Атом энергетикаси ва саноати вазири В. Коновалов ва академик Е. Велихов эса уран ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг хуфиёна режаларини тузишарди. Хусусан, улар Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида жойлашган Нуробод, Учқудуқ, Зафаробод уран конларини кенгайтириш режаларини ишлаб чиқдиларки, бундан иккала жумҳуриятнинг раҳбарлари ҳам бехабар қолишди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам билинади, дейишади. Аммо эндиликда Россия мулкига айланган уран, олтинимизнинг баҳоси қанча эканлиги бизга ҳамон қоронғу. Шундай бўлса-да, биз қийинчилик билан қўлга киритган қуйидаги далиллар республикамизда уран конларини ўзлаштириш сабаблари ҳақида сизга қисман тушунча беради, деб ўйлаймиз.

...60-йилларнинг бошида мамлакатда уран заҳиралари камайиб бораётганлиги маълум бўлиб қолди. Н. Хрушчев Ўрта машинасозлик вазири Ефим Павлович Савскийни ҳузурига чақирди.

— Америка тиш-тирноғигача қуролланиб бўлди, — деди Никита Сергеевич столни муштлаб. — Сен эса уран камаяётганидан нолиганинг-нолиган. Ахир, вазирликка айлантиришни кўнглига тугиб юрарди. Шу мақсадда қатор вазирликлар тузишга улгурса-да, барча режаларини амалга ошира олмади. Сибирликлар ўзларининг табиий бойликларини талон-тарож этилишига йўл қўймадилар, буларнинг ҳаммаси авлодлар насибаси эканлигини рўй-рост айтдилар. М. Горбачев буни тушунди. Шундан кейин у Сибирга қадам ранжида қилганида бу ҳақда гапирмайдиган бўлди. Чунки Михаил Сергеевичнинг Ўрта Осиё республикаларидан умиди катта эди. Узингизга маълум, ўша йиллари биз пахтанинг бир граммини ҳам қолдирмай Ватанга топшириш билан овора эдик.

Геологлар бутун Ўзбекистон тупроғини сан-ку! Сенга бир ойлик топшириқ: янги конларни қидириб топасан. Агар ана шу муддатда вазифани қойилмақом этиб уддаласанг, сени қуруқ қўймайман. Мабодо топмасанг — ўзингдан кўр.

Ефим Павлович хўжайиннинг топшириғини олгач, ўйлаб ўтирмасдан Ўзбекистонга қараб учди. У ўзи билан бирга мутахассисларни олиб келганди. Бариси вертолёту тайёраларда Ўзбекистон узра қора қузғундай айланишди. Она тупроғимизни ковладилар, портлатдилар, топтадилар. Ниҳоят, каламушдай изғиб, итдай югуриб топган жойлари — Бўканай бўлди. Харитада яна бир машъум нуқта белгиланди. Ер даҳшатли портлашдан ингранди. Чўл қушлари улкан офат яқинлашиб келаётганидан нолиш қилдилар. Ефим Павлович эса қўлга киритилган ғалабадан сархуш ҳолда Н. С. Хрушчевга шошилинчнома жўнатди. Никита Сергеевич ўз ваъдасида турди: Қизилқумни ишғол қилгани учун Славский Ленин мукофотига сазовор бўлди.

1968 йили Бўканай кон бошқармаси ташкил этилди. Аммо бу пайтда Никита Хрушчев мансабидан кетганди. Славский янги раҳбарни хурсанд қилишнинг антиқа усулини топди. Бўканай кон бошқармасига алоҳида мақом бериб, уни Ленинобод кимё кони бошқармасига бўйсундириш тўғрисида фармойиш берди. У нафақат (корхонани, ҳатто Ўзбекистон ҳудудидаги табиий бойликни бошқа республика инон-ихтиёрига ўтказиб юбориш қудратига эга экан). Ефим Павловичнинг бу хизмати Леонид Ильичга маъқул келди, шекилли, унга «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони»нинг иккинчи олтин медалини топширди. Мукофотпараст бош котиб ва вазир ўзгалар юртини топташ эвазига шон-шуҳрат чўққисига чиқдилар. Аммо уларнинг «кашфиёт»лари жумҳуриятимизнинг беповён яйловларида ҳаёт оқимини тўхтатиб қўйди. Энди Бўканайнинг ҳаловати йўқ: тупроғи топталган, суви заҳарланган.

Хуллас, социализмнинг машъум ғалабаси қадим Туркистонни вайронага айлантириш билан якунланди. Бу босқинчиликнинг асорати ҳали-бери тугамайди. Негаки, ерлик халқнинг насибаси хомталаш қилинган. Бўканайнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ўт қўйилган. Бу қайси босқинчиликдан кам?

Яна бир далил. Ўтган йилнинг февраль ойида Хўжанд кимё кони комбинатининг Зафарободда жойлашган 5-кон бошқармаси ўзининг йигирма йиллигини нишонлади. Тантанага Москвадан, Тошкентдан меҳмонлар келишди. Бухоро вилоят, Ғиждувон райони раҳбарлари ҳам ҳозиру нозир бўлдилар. Табриклар айтилди, биринчи кончилар номи эсланди. Славский шаънига қадаҳлар кўтарилди. Бу тантанани маҳаллий аҳоли бир чеккада шодон қиёфада кузатиб турди. Улар жонажон қўрғонларида тантана бўлаётганидан хурсанд бўлсалар-да, ўзларининг келажагини даврадагилар аллақачон шароб ўрнида симириб юборганидан бехабар эдилар.

Маҳмуд МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи»нинг ўз мухбири.



● САМАРҚАНДДАГИ «Сино» акционерлик компанияси асосан музлатгичлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Лекин жамоа аҳли аҳоли талаб-истакларини ҳисобга олиб, истеъмол моллари: металл эшиклар, болалар каравотлари, стол-стуллар, хонадонларни иситиш мосламалари, ҳатто хотин-қизларнинг зеби-зийнатларини тайёрлашни йўлга қўйди. Йил охиригача бир ярим миллион сўмлик шундай буюмлар савдо шохобчаларига юборилади.

СУРАТДА: металл қопламалар цехининг илғор ишчиси Фахриддин Баротов.

Р. ҒАФУРОВ олган сурат. (ЎзА).

• *Тил—дил калити*

ҚОНУН ЕТИБ БОРМАГАН ҚЎРҒОН

Республикамизда Тил ҳақидаги қонун қабул қилинганига ҳам анча бўлди. Бу орада Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини эълон қилди. Байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносида ҳилпираб турибди. Дунё истиқлолимизни эътироф этмоқда...

Аммо тилимизга бўлган муносабатнинг ҳанузгача совуқ-қонлиги дилимизни хуфтон қиляпти. Бу нарса айнан ўз юртимизда, ўз пойтахтимизда рўй бераётгани ачинарли. Тил ҳақидаги қонун айрим вазирликлар, корхона ва ташкилотларнинг «темир дарвозаларидан» ўтиб қўрғонларни ишғол қилолмаяпти. Матбуот саҳифалари, радио ва ойнаи жаҳон орқали қалам аҳли бу масаланинг турли қирраларини жон куйдириб очиб бердилар. Баъзи масъул шахслар буни ҳам ўткинчи «кампания» деб ўйладилар шекилли, ҳалигача тилимизга эътибор тил учида.

Ҳар қандай ривожланган жамиятда инсонлар фаровонлиги учун турли хизматлар ташкил қилинади. Транспорт, телефон, почта хизматлари ҳам шулар жумласидан. Пойтахтимизда «07», «09», «05», «062» каби кўплаб телефон рақамларида ҳар хил маълумотлар бериш хизмати ташкил қилинган. Зарурат туфайли бу рақамларнинг бирортасига сим қоққанимда Жанубий Африка Республикасидаги қора танлилар эсимга тушади. Бир пайтлар мустамлакачилар зулми остида эзилаётган бу мамлакатнинг миллий қаҳрамони Нельсон Манделанинг хотинига почтачи хизмат кўрсатишдан бош тортган экан. Воқеа бутун жаҳонда шов-шувга сабаб бўлган эди...

Тошкентдаги маълумот хизматларининг бирортаси ўзбекча жавоб бермайди. Дейлик, табаррук отахон ва онахонларимизга енгил машина зарур бўлиб қолди. Улар таксига буюртма бераётиб рус тилини яхши билмаганлари учун манзилларини тушунтириб беролмайдилар. Оқибатда буюртма қабул қилаётган «хонимлар»нинг дашномларига дучор бўлишганларини эшитамиз. Аэропорт, вокзал, шаҳарлараро алоқа телефонларида ҳам шу аҳвол. Вилоятлардан зарурат туфайли келган кишиларга қийин бўлаяпти. Ҳатто «001» рақамидаги магнит лентасига ёзилган об-ҳаво маълумоти ҳам русча берилади. Наҳотки икки жумла сўзни ўзбекча ёзиб қўйиш мумкин эмас. Бу хизматлар, қулайликлар кимлар учун?

Тошкент шаҳри телефон хизматларидаги ходимлар нари борса 100 киши бўлар. Шуларни ўзбек тилида жавоб беришга, зарурат туғилса рус ва инглиз тилларида ҳам сўзлашишга ўргатиш лозим. Бу ишнинг моддий томонини ўз гарданига оладиган мард ҳомийлар ҳам топилиб қолар. Фақатгина масъул шахслар томонидан ҳаракат бўлса бас.

Иброҳим ЖИЯНОВ.

• *Олий таълим муаммолари*

ШАРҚ ФАЛСАФАСИДАН ҚАЧОНГАЧА БЕБАҲРА ҚОЛАВЕРАМИЗ?

БАЪЗИЛАР «Фалсафа фани ҳалиям ўқитиляптими ёки КПСС тарихидек йўқ бўлиб кетдими?» — деб сўрашади. Ўзини донишманд санаб юрадиган бир зиёли кишининг «Фалсафадан дарс берувчилар энди талабаларни нима деб алдашади?» — деб сўрагани мени жуда ажаблантирди. Бу фалсафий маданиятимизнинг анча пастлигидан, албатта.

Тан олиш керак, бошқа соҳалар каби «Марксча-ленинча фалсафа» барча «марксча-ленинча» фанларнинг методологик асоси сифатида ўрганилди. Бир қолипга — андозага мослаштириб борилди ва охир оқибатда фалсафа фани большевизм мафкурасига айлантирилди. Шу тариқа империя даврида фалсафа фани синфий манфаатларни ифодаловчи мафкура бўлиб қолди.

Фалсафадан партиявийлик ва синфийликни «юлиб олиб ташлашимиз, соф фалсафа фанини қолдиришимиз керак. Асли у гуманистик моҳиятига эга бўлган фан, қандайдир бир партиянинг ғояларини тарғиб қилмай, ўзининг қоида ва принципларини ифодалаши лозим.

Баъзилар «Марксчнинг догматик фалсафаси», «Марксча таълимотидан бутунлай воз кечиш пайти келди» демоқдалар. Уларнинг таълимотида изчил, рационал томонлар ҳам кўп. Шу боис марксизм таълимоти ҳам фалсафа тарихидаги бир босқич сифатида ўрин олиши шубҳасиз.

Энди фалсафани ўқитишда ақидабозликка қатъий барҳам бериш пайти келди. Афсуски, бу жараён республика олий ўқув юртларида жуда секин бораётир. Баъзи ўқитувчилар ҳанузгача эскича дастур ва услубларда маъруза ўқиб семинар машғулотлари олиб бормоқдалар. Тўғри, бунда объективлик қийинчиликлар мавжуд: фалсафадан ўзбек тилида дарслик ва барқарор ўқув дастури йўқ. «Инсон ва сиёсат» ойномасида ўқув дастури ва иш режаси эълон қилинган эди, аммо у марксча фалсафага таянган ҳолда Москвада нашр этилган дастур лойиҳаси асосида ишлаб чиқилган. Тавсия қилинган манбалар, адабиётлар ҳам эски. Унда Шарқ фалсафасининг анъаналари ўз аксини топмаган. Бизнингча, ушбу дастурдан кўра профессор С. Шермуҳаммедов раҳбарлигида ўтган йили ишлаб чиқилган намунавий мавзунома маъқулроқ эди.

Жаҳон фалсафа тараққиётини Фаробий, ибн Сино, Беруний, Навоийларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Талабаларга шарқона фалсафий мушоҳадани, фалсафий маданиятни ўргатиш лозим. Ахир, қачонгача уларга Кампанелла, Морларнинг, Фурье, Оуэн, Сен-Симонларнинг қуруқ хаёлдан иборат қарашларини тушунтирамиз? Афсуски, Ўрта Осиё ва Шарқ халқларининг фалсафий меросини ўрганиш борасидаги ишлар ҳам салмоқли эмас. Ўзбекистон фалсафа мактабининг академик М. Хайруллаев сингари ҳозирги даргалари эзгу ишга қўл урриб, шарқона фалсафий анъаналарни қайта тиклаш ва уларни ёш авлодга етказишда бош-қош бўлсалар.

Фалсафа — дунёвий фан. У олам ва унда инсоннинг ўрни ҳақидаги яхлит қарашларни, туб дунёқараш масалаларини таҳлил қилишга қаратилган маънавий фаолият шаклидир. Фалсафа ҳар бир тарихий даврда ўта долзарб вазифаларни ўрганиш ва уларни назарий ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Комил ҲАЙДАРОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

• *Йўлингиз бехатар бўлсин!*

ИЧУВЧИ ҲАЙДОВЧИЛАР

ЁКИ ОГОҲЛАНТИРИШ ТАЛОНИ

Ўтган йили республикамиз ҳудудида 18267 та йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган. Бу бахтсизликлар оқибатида 3188 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. 19740 киши эса оғир тан жароҳати олди. Бу мисоллару фожеалар кўлами кишини даҳшатга солади. Бунинг устига 1991 йилда болалар иштирокчи бўлган 5612 та йўлтранспорт ҳодисаси содир бўлди. Оқибатда 750 бола ҳаётдан фожиали кўз юмди ва 4908 бола оғир тан жароҳати олди. Энди бир тасаввур қилиб кўрайлик, ана шу нобуд бўлган болалар келажакда жамиятимизга қанчалик фойда келтирадиган инсонлар бўлиб етишиши мумкин эди. Лекин...

Бу бахтсизликларга нима сабаб бўлмоқда? Нега инсонга берилган қисқа умрни янада қисқариб кетишига йўл қўямиз? Чунки ҳайдовчилар ўртасида интизом йўқ, баъзилари спиртли ичимлик ичиб транспорт бошқармоқда. Бу ҳавойи гап эмас. Ўтган йили республикамизда 1314 ҳайдовчи маст ҳолда транспорт бошқараётганида ДАН ходимлари томонидан тўхтатилган. Афсуски, шундан 1129 таси фақат бахтсиз ҳодиса рўй бергандан сўнг аниқланди. Худди шу ихтиёрсиз кечикишимиз оқибатида 242 киши ҳаётдан кўз юмди. Бир нарсани тушуниш қийин. Нега ҳамюртларимиз, айниқса ҳайдовчилар кўча-куйда содир бўлган оғир автоаварияларни, одамлар нобуд бўлаётганини кўриб ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишмайди? Йўлда ДАН ходимига рўпару бўлгач, минг баҳона қидиришни, бўлар-бўлмасга ялинишни эса яхши билишади.

Маълумки, шу йил 1 июндан «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» янги қонун амал қила бошлайди. Биз бу қонун амалиётти йўл ҳаракати хавфсизлигини етарлича таъминлайди, кўнгилсиз ҳодисалару фожеаларнинг олдини олади, деб ишонамиз. Чунки янги қонунга мувофиқ ҳайдовчилик гувоҳномасига бериладиган огоҳлантириш талонлари қайта жорий қилинади. Вилоят ва шаҳарларнинг ички ишлар борқармаларида имтиҳон қилиш асосида ҳайдовчиларга талонлар тарқатилмоқда. Бу эса ҳайдовчилар орасида йўл ҳаракати интизомини мустаҳкамлашига шубҳамиз йўқ.

Ҳайдовчилар огоҳлантириш талонларини олиш учун қуйидаги ҳужжатларни Давлат автоназорати бошқармаларининг имтиҳон бўлимларига кўрсатишлари зарур: шахсий паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси, 10 сўм миқдорида пул тўланган патта, ҳайдовчилик гувоҳномасига бериладиган шахсий варақа.

Бошқа ўлкалик фуқаролару Ўзбекистон Республикасчга уч ойдан ортиқ муддат хизмат сафарига келган шахсларга (умумий тартибда) уларнинг ишлаб турган жойларидан олинган ёзма баёнотга асосан берилади. Шунингдек, яроқсиз (муҳрларию ёзувлари ноаниқ) ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган ҳайдовчиларга талон фақат имтиҳон ва ҳисобга қўйиш бўлимларининг тасдиғи орқали берилади.

Янги қонунда кўрсатилганидек, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун ҳайдовчиларга солинадиган жарималар миқдори ҳам оширилди: Масалан: ҳайдовчи белгиланган ҳаракат тезлигини оширса, ҳаракатни тартибга солувчи ишоралрга бўйсунмаса, унга ДАН ходими томонидан ўттиз сўмдан эллик сўмгача миқдорда жарима солинади. Бу қоидабузарлик бир йил мобайнида такрор содир этилса ҳайдовчига юз сўм миқдорида жарима солинади ва у қайта имтиҳондан ўтишга юборилади. Шунингдек, ҳайдовчилар транспорт воситаларини спиртли ичимликдан ёки наркотик модда таъсиридан маст бўлган ҳолда бошқарсалар минг сўмдан икки минг сўмгача миқдорда жарима солинади ёки бир йилдан уч йилгача муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиладилар. Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга эса икки минг сўм миқдорида жарима солинади.

Биз қонунни ўз вақтида амалга оширишга ҳозирданоқ киришдик. Барча ходимларимизга қонун доирасида пухта ва тезкор ишлаш юклатилди. Мақсадимиз — назоратни янада кучайтириш.

Т. РАҲИМОВ,
ИИВ ДАН бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция подполковники.

• *Муҳаррирга мактуб*

ТАРИХИЙ НОМ ТИКЛАНСИН

Биз, Жиззах вилоятининг Ульянов шаҳрида яшовчи аҳоли шаҳримиз номини «Қирқ» деб ўзгартирилишида ёрдам беришингизни сўраймиз.

Маълумки, қирқ уруғи ўзбекнинг, яъни туркларнинг минг, беш юз, юз, парча юз уруғлари сингари қадимий уруғларидан бўлиб, қирқ уруғига мансуб кишиларни Қозоғистонда ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам, Фарғона водийси, Туркистонда ҳам кўплаб учратиш мумкин. Шу туфайли ушбу қадимий номнинг қайта тикланиши ўзлигимизни тезроқ англашимизга ёрдам беради ва шаҳримизга меҳру оқибат, қариндошлик кўзи билан қаровчилар янада кўпаяди, деб умид қиламиз.

Шаҳримиз беш юз йиллар олдин қишлоқ бўлиб, «Қирқ» номи билан юритилган. Бу бежиз эмас. Бу яқин орада яшовчи маҳаллий кўпчиликнинг — сўлоқли, баймоқли, чапарашли, қорақўйли, оққўйли, култепа қавмларининг келиб чиқиши «Қирқ» уруғига мансуб эканлигидандир. Бу аҳоли Чор Россияси босқинчиларига қарши қаттиқ курашди. Тепалик қуриб одамларни зулмдан огоҳ қилди. Босқинчилар ушбу қишлоқдан минглаб аҳолини қириб, ҳозирги шаҳар қад кўтарган жойга тириклай кўмиб юборди. Биз ўша марҳум аждодларимиз хотирасини эъзозлаш ниятида ҳам шаҳримизга «Қирқ» номини қайтармоқчимиз. Қишлоғимиз қандай номлар билан аталмади, дейсиз. Асримиз бошида босқинчилар томонидан Қоровултепа деб номланган эди. Кейинчалик 80 йилларгача афсус-надоматлар бўлсиниким айғоқчи-сайёҳ Обручево номи билан аталди. Булар шаҳар аҳолисини таҳқирлашдан бўлак нарса эмас.

Ўйлаймизки, «Қирқ» шаҳри Туркистоннинг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб қолади ва биз бу ном билан фахрланиб юрамиз.

С. СОИПОВ,
А. ЖУМАНОВА,
К. РАҲМАТОВ,
У. ҚОДИРОВ
ва бошқалар.

Мактубга жами 39 киши имзо чеккан.

СУРХОН ПИЛЛАСИ

Пиллакор меҳнатни кимга қиёслаш мумкин? Ўхшашини топиш маҳол. Негаки мавсуми жуда қисқа — бир-бир ярим ой давом этади, холос. Танаффуси йўқ — кечаю кундуз меҳнат қилиш керак. Боз устига бир ҳовуч фарзандларни четга суриб қўйиб хонадонинг тўрини пилла қуртига ажратиш лозим.

Хуллас, пиллакорнинг меҳнати машаққатли. Лекин бу заҳмат узоққа бормайди: ҳовуч-ҳовуч кумуш ранг пиллалар саватга тушган куни унутилади. Ўша куни пиллакор хонадонида байрам. Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли жамоа хўжалигида ана шундай қувончли дақиқалар бошланди. Кумуш тола ижодкорлари йилнинг дастлабки ҳосилини териш ва давлатга топширишга киришдилар. Хўжаликда бу йил 280 хонадон ипак қурти парваришлади, қабул пунктларига камида 32 тонна қимматбаҳо хом ашё топшириш мўлжалланаётир. Бу бозор шароитида хўжалик иқтисодиётини тиклашга хизмат қилади. Чунки жорий йилда биринчидан, пилланинг харид нархлари ошди, иккинчидан эса куни кеча республика ҳукумати пиллакорларга режадаги ҳосилнинг 25 фоизини келишилган нархларда сотишга рухсат берди.

Ш. НОРБОБОЕВ.

СУРАТЛАРДА: илғор пиллачилар Заргул Жумаева ва Барчиной Ҳимматова ҳосил чўғидан бениҳоя хурсанд. Пастда эса, пилла терими.

И. ХУЖАЕВ олган сурат.

Нуқтаи назар

Азиз ТЎРАЕВ

МАДАНИЯТ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Юз наъва онга ким ҳулқи карим ўлди фани,
Яйники карам кони Расулий Маданий.

Яъни бу ўринда Навоий Муҳаммад пайғамбарни назарда тутиб, унинг Мадиналик эканлигига, мусулмонларнинг қутлуғ зиёратгоҳи, муқаддас макони бўлмиш Мадинат — Расулилоҳ ёки Мадина ан-Набий пайғамбар шаҳрига урғу бераётганлигини кўрамиз. Демак Маданият — қутлуғ даргоҳ, муқаддас жой, муассаса, макон маъносини, маданий эса қутлуғ ҳислатга эга бўлган киши маъноларини англатади.

Ўзбек халқи асрлар давомида — Шарқда илми ривожланган, маданияти тараққий этган халқлар қаторида турган, дили ва тили бир бўлган. Назаримизда, ҳозирги кунда унутиб юборилган боболаримиз анъаналарини тиклаш пайти етди. Бизнингча, маданият ва санъат олий ўқув юртлари, университет ва педагогика институти талабаларини амалиёт даврида халқ орасидаги урф-удумлар, қадриятларни йиғишга жалб этиш вақти келди. Умуман ўзбек миллий маданияти дастурини (концепциясини) яратиш жуда қийин ва мураккаб иш. Агар миллий ўзбек маданиятининг дастурини ишлаб чиқишда бу фикр ва қарашларнинг баъзилари қўл келса маъқул бўларди.

Мустақил Ўзбекистоннинг маданий сиёсат дастурини яратишда халқ тафаккурига, унинг бой ижодиёт маҳсулларига таянишимиз лозим. Ўзбек халқининг бой маданий мероси мустақил давлатимизнинг кўрки ва рамзи бўлиб қолмай бу ерда яшовчи барча миллат-элатларни юрт равнақи йўлида бирлаштиришда асосий омил ҳам бўлмоғи лозим.

Ўзбекистонни ўз ватани деб билган барча халқларнинг маданияти, анъаналари, тили ва динига ҳурмат билдирган ҳолда умуммиллий маданий сиёсат ўзбек халқи ижтимоий руҳий оламидан, унинг маънавий қадриятлари асосида шаклланмоғи зарур. Бу ўринда тил билиш муҳим ўрин тутади. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг айрим модда ва бандлари бугунги кун талабига жавоб бермаётганлигини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Оммавий-ахборот воситаларида давлат тили ижроси суст бораётганлиги ҳақида танқидий чиқишлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Баъзи муаллифлар бу учун ташкилот, корхона раҳбарларини айблашмоқда. Қонунни бажарилмаётганлигини фақат раҳбарлар масъулиятсизлиги билан изоҳлаш ўта бирёқламаликдир. Фикримизча, асосий муаммо қонунни собиқ иттифоқ даврида, марказнинг тазйиқлари остида ишлаб чиқилганлигидадир. Шу боис мазкур қонунни қайта кўриб чиқишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Биз эндиликда ўзбек тилини Ўзбекистон Республикасида нафақат давлат тили, шу билан бир қаторда миллатлараро муомила тили даражасига кўтаришимиз шарт. Шундагина бой ва серқирра ўтмиш маданиятимизга таянган равишда барча халқлар эҳтиёжларига мос маданий сиёсат юргизишимиз мумкин.

Маданият ишлари собиқ иттифоқда фирқа исканжасидаги вазирликлар ва ижодий уюшмалар орқали юритилар эди. Бу соҳадаги камчиликлар ҳамиша уюшмаларнинг ўзаро алоқалари бўш ташкил қилинганлиги билан хаспўшланиб, ҳар бир ижодий соҳанинг ўзига хос томонлари инкор қилиниб келинарди. Ҳозирги кунда ижодий уюшмаларда ҳукм сураётган ҳам маънавий, ҳам молиявий парокандаликлар, бўлинишлар, ажралишлар эндиликда бу соҳа структурасини ўзгартириш, раҳбарлик тузилишини қайта кўриб чиқиш, умуман маданий соҳага юқоридан туриб раҳбарлик қилишқилмаслик муаммосини кун тартибига қўйди. Биз юқорида умумий тарзда баён қилган тарихимиз шуни кўрсатмоқдаки ижод аҳлига раҳбарлик эмас, ҳомийлик қилинсагина жамият равнақ ва ривож топади. Чунки ёзувчига китобни, рассомга картинасини, бастакорга мусиқани ижодий уюшма яратиб бермайди. Демак бу ташкилотлар мақсад - маслаги бир-бирига яқин истеъдодлар бошини қовуштириб, уларга моддий-маънавий маъдад берадиган даргоҳ бўлиши лозим.

Хорижий эллар билан маданий алоқаларни кенгайтириш ва уни давлатимиз ташқи сиёсатининг ажралмас қисмига айлантиришимиз миллатимизнинг тарихан янги қадами бўлади. Сўнгги пайтларда ҳукумат миқёсидаги делегацияларимиз таркибига ёзувчи, шоир, санъаткорларни киритилиши ва чет мамлакатлар билан имзоланаётган ҳужжатлар ичида маданий алоқаларга алоҳида эътибор берилиши ҳаммамизни қувонтирмоқда. Биз ҳозир қўшни Шарқ давлатлари билан тарихий мулоқотларни тиклаяпмиз. Тупроғи, тарихи, дини ва қарашлари бир-бирига яқин бўлган қардошларимизнинг маданият борасида эришган ютуқларидан баҳраманд бўлиш билан бирга ўзбек халқининг ҳам илдизлари бутун, бугуни бақувват, эртаси порлоқ маданияти ва маърифатини намойиш қила билишимиз айни муддаодир.

Юқорида айтганимиздек, маданият тармоқларининг ташкилий тузилиши собиқ иттифоқ томонидан ишлаб чиқилган эди. Ҳозир бу схема ўз умрини яшаб бўлганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Театрлар, клублар, мусиқа-рақс ансамблари ва бошқа маданий муассасаларнинг мутахассискадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тубдан ўзгартириш лозим. Масалан, клубларда оркестр, хор, дирижёрлик мутахассислари учун штатлар белгиланган. Ўзбек халқининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилади. Хўш, шундай экан, қишлоқ клубларига шу соҳа мутахассислари керакмикан? Демак, маданият соҳасидаги олий, ўрта махсус мактаблари ўқув дастуларидан тортиб маданият уйларигача бўлган барча босқичларда умумий йўналиш миллий давлатчилик нуқтаи-назаридан ислоҳ қилиниши лозим. Ислоҳотлар пухта ишланган қонунлар мажмуига ва молиявий, асосга эга бўлиб, қамрови кенг ва мазмунан чуқур бўлиши учун барчамиз масъулмиз.

Маданият сари ташланган ҳар бир қадам, эркинлик сари ташланган қадамдир, — деб таъкидлаган эди файласуфлардан бири. Эркинлик инсониятнинг, ҳар бир миллатнинг минглаб йиллар давомида ўзлигини англаши, оламни, табиатни идрок этиб, тўпланган тажрибаларни келгуси авлодларга етказишга интилиши билан белгиланади. Ана шундай интилиш (кураш)ларнинг меваси тарзида халқ оғзаки ижоди анъаналари, маърифий-маданий қадриятларимиз, урф-одатлар, тўй — маросимлар, ахлоқ-одобга доир йўл-йўриқлар мажмуалари халқ тафаккурининг ривожи билан бирга тарихан равнақ топиб келмоқда.

Жамият тараққиётининг қайси босқичларига назар солмайлик маданиятнинг асосий жабҳалари бўлган театр, кино, меъморчилик, маданий-маърифий муассасалар фаолияти давлат қарамоғида камол топган. Шу сабабдан жаҳондаги кўпгина давлатлардаги каби бизда ҳам маданият муассасалари давлат тасарруфида бўлиб унга раҳбарлик ҳам ҳукумат ҳамда жамоат уюшмалари томонидан амалга оширилади.

Тарихга назар солсак Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Маҳмуд Ғазнавий, Алишер Навоий ва бошқа давлат арбоблари даврида маданият, адабиёт ва санъат аҳли қадрсизлантирилмаган, аксинча уларга барча шарт-шароитлар яратилган, ҳимоя қилинган. Жумладан, давлат тасарруфида катта кутубхоналар бўлиб уларга ҳукмдорлар ёки йирик давлат арбоблари ҳомийлик қилиб, моддий маблағ билан таъминлаганлар. Масалан, Бухоро Аркида жойлашган, Абу Али ибн Сино фойдаланган Сомонийларнинг сулолавий кутубхонаси (қироатхонаси), X—XI асрларда Ғурганчда Хоразм шоҳлар сулолавий кутубхонаси фаолият кўрсатган. Хусусан шоҳ Маъмун ибн Маъмун ўз саройида (1010—1017) Боғдоддаги «Байт-ал-Ҳикма» (Ҳикматлар уйи) тарзида кичик академия ташкил қилган Беруний, ибн Сино каби аҳли донишлар ана шу академия тингловчилари бўлишган. Академия тизгинидаги мадраса, қироатхона ва кутубхоналар кенг фаолият кўрсатишган. Соҳибқирон Амир Темурнинг дунёнинг кўпгина давлатларидан олим, мусаввир, ловаз, саҳоблар, ҳаттотларни чақириб уларнинг бошини қовуштиргани, ўз хазинасидан қироатхоналар, кутубхоналар очганлиги, мударрис, кутубхона ходимларини маош билан таъминлагани маълум. Вақфга (васият билан қолдирилган жамғарма) айлантирилган мадраса, кутубхоналар ҳам бўлганлиги аён. Вақф эгаси қолдирган маблағлар ҳисобидан кутубхоналар, китоб фонди, китобдор, ҳаттотлар фойдаланишган.

Биз мустақил миллий маданиятимизни яратмоқчи бўлсак биринчи галда ўз тарихий анъаналаримизга, юқоридаги буюк шахслар, арбоб, олим ва фузололар иши ва насиҳатларини унутмаслигимиз, уларнинг тажрибаларини янги шароитда бойитган ҳолда қўлламоғимиз даркор. Жумладан, бобомиз Алишер Навоийнинг тил, маданият, санъат борасидаги раҳнамоликларини яхшилаб ўрганишимиз лозим. Улуғ бобомиз ижоди, фаолияти ҳозирги даврдаги тил ва маданиятга бўлган эҳтиёжимизни маълум даражада қондира олади. Чунончи, маданият ва маърифий соҳага оид кўпгина ишларни улуғ бобомиз бундан беш ярим аср олдинроқ тушунган, уларни амалда ва ўз асарларида қўллаган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да маданият сўзи «жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи»,—деб изоҳланган. Ваҳоланки, Навоий Маданий сўзини «Ҳамсатул — мутахайирин» асарида илк бор қўллаганлар:

Юз наъва онга ким ҳулқи карим ўлди фани,
Яйники карам кони Расулий Маданий.

Яъни бу ўринда Навоий Муҳаммад пайғамбарни назарда тутиб, унинг Мадиналик эканлигига, мусулмонларнинг қутлуғ зиёратгоҳи, муқаддас макони бўлмиш Мадинат — Расулилоҳ ёки Мадина ан-Набий пайғамбар шаҳрига урғу бераётганлигини кўрамиз. Демак Маданият — қутлуғ даргоҳ, муқаддас жой, муассаса, макон маъносини, маданий эса қутлуғ ҳислатга эга бўлган киши маъноларини англатади.

Ўзбек халқи асрлар давомида — Шарқда илми ривожланган, маданияти тараққий этган халқлар қаторида турган, дили ва тили бир бўлган. Назаримизда, ҳозирги кунда унутиб юборилган боболаримиз анъаналарини тиклаш пайти етди. Бизнингча, маданият ва санъат олий ўқув юртлари, университет ва педагогика институти талабаларини амалиёт даврида халқ орасидаги урф-удумлар, қадриятларни йиғишга жалб этиш вақти келди. Умуман ўзбек миллий маданияти дастурини (концепциясини) яратиш жуда қийин ва мураккаб иш. Агар миллий ўзбек маданиятининг дастурини ишлаб чиқишда бу фикр ва қарашларнинг баъзилари қўл келса маъқул бўларди.

Мустақил Ўзбекистоннинг маданий сиёсат дастурини яратишда халқ тафаккурига, унинг бой ижодиёт маҳсулларига таянишимиз лозим. Ўзбек халқининг бой маданий мероси мустақил давлатимизнинг кўрки ва рамзи бўлиб қолмай бу ерда яшовчи барча миллат-элатларни юрт равнақи йўлида бирлаштиришда асосий омил ҳам бўлмоғи лозим.

Ўзбекистонни ўз ватани деб билган барча халқларнинг маданияти, анъаналари, тили ва динига ҳурмат билдирган ҳолда умуммиллий маданий сиёсат ўзбек халқи ижтимоий руҳий оламидан, унинг маънавий қадриятлари асосида шаклланмоғи зарур. Бу ўринда тил билиш муҳим ўрин тутади. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг айрим модда ва бандлари бугунги кун талабига жавоб бермаётганлигини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Оммавий-ахборот воситаларида давлат тили ижроси суст бораётганлиги ҳақида танқидий чиқишлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Баъзи муаллифлар бу учун ташкилот, корхона раҳбарларини айблашмоқда. Қонунни бажарилмаётганлигини фақат раҳбарлар масъулиятсизлиги билан изоҳлаш ўта бирёқламаликдир. Фикримизча, асосий муаммо қонунни собиқ иттифоқ даврида, марказнинг тазйиқлари остида ишлаб чиқилганлигидадир. Шу боис мазкур қонунни қайта кўриб чиқишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Биз эндиликда ўзбек тилини Ўзбекистон Республикасида нафақат давлат тили, шу билан бир қаторда миллатлараро муомила тили даражасига кўтаришимиз шарт. Шундагина бой ва серқирра ўтмиш маданиятимизга таянган равишда барча халқлар эҳтиёжларига мос маданий сиёсат юргизишимиз мумкин.

Маданият ишлари собиқ иттифоқда фирқа исканжасидаги вазирликлар ва ижодий уюшмалар орқали юритилар эди. Бу соҳадаги камчиликлар ҳамиша уюшмаларнинг ўзаро алоқалари бўш ташкил қилинганлиги билан хаспўшланиб, ҳар бир ижодий соҳанинг ўзига хос томонлари инкор қилиниб келинарди. Ҳозирги кунда ижодий уюшмаларда ҳукм сураётган ҳам маънавий, ҳам молиявий парокандаликлар, бўлинишлар, ажралишлар эндиликда бу соҳа структурасини ўзгартириш, раҳбарлик тузилишини қайта кўриб чиқиш, умуман маданий соҳага юқоридан туриб раҳбарлик қилишқилмаслик муаммосини кун тартибига қўйди. Биз юқорида умумий тарзда баён қилган тарихимиз шуни кўрсатмоқдаки ижод аҳлига раҳбарлик эмас, ҳомийлик қилинсагина жамият равнақ ва ривож топади. Чунки ёзувчига китобни, рассомга картинасини, бастакорга мусиқани ижодий уюшма яратиб бермайди. Демак бу ташкилотлар мақсад - маслаги бир-бирига яқин истеъдодлар бошини қовуштириб, уларга моддий-маънавий маъдад берадиган даргоҳ бўлиши лозим.

Хорижий эллар билан маданий алоқаларни кенгайтириш ва уни давлатимиз ташқи сиёсатининг ажралмас қисмига айлантиришимиз миллатимизнинг тарихан янги қадами бўлади. Сўнгги пайтларда ҳукумат миқёсидаги делегацияларимиз таркибига ёзувчи, шоир, санъаткорларни киритилиши ва чет мамлакатлар билан имзоланаётган ҳужжатлар ичида маданий алоқаларга алоҳида эътибор берилиши ҳаммамизни қувонтирмоқда. Биз ҳозир қўшни Шарқ давлатлари билан тарихий мулоқотларни тиклаяпмиз. Тупроғи, тарихи, дини ва қарашлари бир-бирига яқин бўлган қардошларимизнинг маданият борасида эришган ютуқларидан баҳраманд бўлиш билан бирга ўзбек халқининг ҳам илдизлари бутун, бугуни бақувват, эртаси порлоқ маданияти ва маърифатини намойиш қила билишимиз айни муддаодир.

Юқорида айтганимиздек, маданият тармоқларининг ташкилий тузилиши собиқ иттифоқ томонидан ишлаб чиқилган эди. Ҳозир бу схема ўз умрини яшаб бўлганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Театрлар, клублар, мусиқа-рақс ансамблари ва бошқа маданий муассасаларнинг мутахассискадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тубдан ўзгартириш лозим. Масалан, клубларда оркестр, хор, дирижёрлик мутахассислари учун штатлар белгиланган. Ўзбек халқининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилади. Хўш, шундай экан, қишлоқ клубларига шу соҳа мутахассислари керакмикан? Демак, маданият соҳасидаги олий, ўрта махсус мактаблари ўқув дастуларидан тортиб маданият уйларигача бўлган барча босқичларда умумий йўналиш миллий давлатчилик нуқтаи-назаридан ислоҳ қилиниши лозим. Ислоҳотлар пухта ишланган қонунлар мажмуига ва молиявий, асосга эга бўлиб, қамрови кенг ва мазмунан чуқур бўлиши учун барчамиз масъулмиз.

** Биз Ўзбекистонда яшаймиз*

ШУ ЗАМИНДА ИЛДИЗ ОТДИК

РЕСПУБЛИКАДАГИ КОРЕЙС МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ РАИСИ П. Г. КИМ БИЛАН СУҲБАТ

— Ўзбекистонда бир неча йилдан бери корейс миллий маданият марказлари ишлаб турибди. Ҳозир улар сизнинг раҳбарлигингиздаги ассоциацияга бирлашган. Ўтган давр мобайнида марказлар корейс тили ва маданиятини тиклашу ривожлантириш борасида қандай натижаларга эришдилар?

— Энг аввало, мустақил Ўзбекистонда республика Президенти, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан республикада яшаётган барча халқлар, миллату элатларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш борасида изчил ишлар олиб борилаётганлигини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Бу борада албатта миллий маданият марказлари катта ташкилотчилик тадбирларини амалга оширишаётир.

Халқ таълими вазирлигидан қувончли хабар келди. Вазирликда биз илтимос қилганимиздек, туб аҳоли ҳисобланмайдиган миллатлар уюшган ҳолда яшайдиган жойлардаги мактабларда ана шу миллатлар тилини мустақил фан сифатида ўрганишни жорий этиш ўқув режалари белгиланибди. Ҳужжатда вилоят халқ таълими бошқармаларига корейс тили бўйича олимпиадалар ўтказиш кўрсатмаси берилган. Маълумки, бундай олимпиада ғолиблари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг корейс бўлимига имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Институтнинг бу бўлимига шу йилдан бошлаб студентлар қабул қилиш 50 кишига кўпаяди.

Республикада 20 та корейс маданият марказлари мавжуд. Улар Қорақалпоғистон ва барча вилоят марказларида фаолият кўрсатаётир. Марказларда ҳар йили мингдан зиёд киши корейс тилини ўрганиш курсларини битираяпти. Ўқув жараёни турли шаклда: катталар учун тўгараклар, якшанба мактаблари, ўрта мактабларда (янги ўқув йилига қадар) факультатив машғулотлар мавжуд. Корейс тили ўқитувчилари ассоциацияси ташкил этилган. Ўқитувчилар имкон қадар Сеулга малака оширишга юборилмоқда.

— Ассоциациянгиз тилга боғлиқ масалалар билан шуғулланишга катта аҳамият бериши кўрниб турибди. Фаолиятингиз шу билан чекланмаган бўлса керак...

— Албатта. Биз миллий маданиятимизни қаклаш ва ривожлантиришга катта эътибор бераётирмиз. Бу борада республика ҳукумати ва жамоатчиликнинг ғамхўрлиги ҳамда кўмагини ҳис этмоқдамиз. Жумладан санъат институти ҳимматига бормиз. Бу ерда театр ва кино артистлари тайёрловчи корейс бўлими очилади. Ассоциация ҳозир шу бўлимга кадрлар танлаш билан шуғулланаяпти. Гулистон, Бухоро, Наманган шаҳарларида бўлиб санъатга ҳавасманд ёшларни топдик.

Яқинда Тошкент вилоятидаги «Политотдел» жамоа хўжалигида Ўзбекистонлик корейс миллатига мансуб рассомларнинг асарлари кўргазмаси очилади. Иқтидорли болалар учун бадиий студия ташкил этилди. «Ўзбекистон корейслари» номли фото кўргазма тайёрланди. Тез орада экранларга «Ягона аҳил оилада» деган ҳужжатли фильм чиқарилади. Қилаётган ишларимизнинг ҳаммасини санаб ўтиш мушкил.

Ўзбекистон ижтимоий тизимига сингиб кетган ассоциациямиз, табиийки, республика муаммоларидан четда туролмайди. Кўпгина корхона, ташкилот ва жамоат уюшмалари сингари биз ҳам саҳоватпешаликка алоҳида аҳамият бераяпмиз. Қурия Республикасидан келган 9000 дона бир марта ишлатиладиган шприцни Орол болаларига ёрдам фондига, ўша ёқдан келган кийим-кечаклар эса, Намангандаги болалар уйи ҳамда меҳр-шафқат жамияти Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги бўлимига юборилди. Ночор оилаларга имкон қадар моддий ёрдам кўрсатиляпти.

— Жамиятдаги демократик ўзгаришлар, инсон ҳуқуқларининг қадр топиши ҳамда маънавий эҳтиёжларнинг ўсиши ҳар бир миллат вакилларини ўзларининг тарихий ватанлари билан алоқалар ўрнатишга ундамоқда. Корейслар ҳам бундан мустасно эмаслар...

— Ўзбекистон билан Қурия Республикаси ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилишига бевосита даҳлдорлигимиздан қувонамиз. Алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Санъат арбоблари ўртасида бориш-келишлар мавжуд. Қуриянинг турли фирмалари бизда ўз маҳсулотларини намойиш этмоқдалар. Жанубий Қурияда Ўзбекистон, бизда эса Жанубий Қурия кунларини ўтказишга ҳамда Тошкентда корейс маориф маркази очишга келишилган. Бир сўз билан айтганда, Қурия Республикаси ассоциациямизга она тилимизни, урф-одатлару маданиятимизни тиклашга ҳар томонлама ёрдам бераётир.

— Бошқа миллий маданият марказлари каби корейс маданият маскани фаолиятининг ривожланиши кўп жиҳатдан снёсий вазнятнинг сокинлигига боғлиқ. Ўзбекистон ҳозир худди ана шундай барқарор вазняти билан бошқа ҳамдўстлик мамлакатларидан фарқ қилади. Бироқ қўшнилардаги осойишта ҳаётни ҳазм қилолмаётган снёсий кучлар борлиги ҳам маълум. Афсуски, улар ўзларининг снёсий найрангларига Ўзбекистонлик корейсларни ҳам жалб этишга интилмоқдалар. Бизда асосан Москва ва Узоқ Шарқдан келган, корейсларни ёппасига Хабаровск ўлкасига кўчишга даъват этувчи ташвиқотчилар пайдо бўлдилар...

— Мен баъзиларининг номларини ҳам айтишим мумкин. Бироқ гап бу оддий ижрочиларда эмас. Шуни дангал айтаман: бизнинг ассоциациямиз қайта кўчиш ғоясига бутунлай қарши. Узоқ Шарқ аҳолиси бунга қарши бўлгани учун эмас (матбуотдан Хабаровскда корейсларнинг қайтиб келишига қарши митинг ва намойишлар ўтказилаётганини биламиз). Ҳар ҳолда бу ҳолатни ҳам эътибордан четда қолдириш керак эмас. Кўчишга қаршилигимизнинг асосий сабаби — корейслар шу ерда илдиз отиб, маҳаллий аҳоли вакиллари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетганлигидир. Кўчиш майли, у қандай юқори савияда уюштирилмасин, барибир 37-йилги фожиани такрорлаши мумкин.

— Туркистон тупроғи бизга қанчалик азиз ва мўътабар бўлиб қолганлигини англаш учун ўзбекистонлик корейслар тарихига назар ташлашнинг ўзи кифоя.

— 1937—1938 йилларда Ўзбекистонга 75 минг корейс (16,5 минг оила) кўчириб келтирилди. Узоқ Шарқда уларнинг уй-жойлари,экин-тикинлари, ўжаликлари қолиб кетди. Кўчирилувчиларга кўрган моддий зарарларингизни СССР ҳукумати тўлайди, деб эълон қилинганди. Бироқ, 1938 йил февралида ҳар оилага бор-йўғи 300 килограммдан буғдой берилди. Совет ҳукуматининг кўрсатган каромати шундан иборат бўлди, холос. Яна бир хотирани тиклайлик. ВКП (б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Совети 1937 йил 21 августда корейсларни кўчириш ҳақида қарор қабул қилиши билан сентябрнинг бошларида Ўзбекистонга дастлабки эшелонлар кела бошлади. Бу ерда одамларни қабул қилиб олишга ҳали тўлиқ ҳозирлик кўрилмаганди. Оқибатда 70 мингга яқин киши қору ёмғирда бошпанасиз қолди.

Ана шундай оғир шароитларда корейсларга маҳаллий халқ чинакам инсонийлик ёрдамини кўрсатди, меҳру муҳаббатини, бир бурда нонини аямади. Ўша даврлардаги ҳаваскор сураткашлар олган расмларда корейслар билан маҳаллий аҳоли вакиллари биргаликда ертўла ва бараклар қуришаётганларини кўриш мумкин. Колхоз ва совхозлар, айрим хонадонлар ўзларининг бор-йўқ қурилиш материаллари, ўтин-чўпларини корейсларга беришгани ҳужжатларда қайд этилган. Ўзбекнинг азалий удуми — ҳашар ўшанда ҳам асқотганди.

Республикада корейс халқи ўзининг маънавий-маданий қиёфасини сақлаб қолиши учун астойдил ҳаракат қилинди. Корейс педагогика институти, билим юрти ва техникумлари Қозоғистонга жойлашганди. Ўзбекистон ҳукумати корейс ёшларини шу ердаги билимгоҳларда ўқитиш имкониятларини ахтариб топди.

Корейсларнинг дастлаб кўчиб келган даврларидаги ҳаёти ана шундай кечган, Кейинчалик улар республика ишлаб чиқариши ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошладилар. Бу борада жуда узоқ гапириш мумкин. Бироқ асосий нарса шуки, ўзбек халқи бева-танларни ўз қучоғига олиб, улардан меҳр-муҳаббатини дариғ тутмади. Шу боисдан ҳам ҳозир корейслар республика аҳолисининг ажралмас қисми сифатида қадр-қиммат, обрў-эътибор топди.

Энди чақирилмаган ташвиқотчиларга қайтайлик. Улар ўзлари истар-истамас бузуқ ниятларини амалга ошириш учун бутун бошли миллат тақдири билан ўйнашаётганлар ноғорасига рақс тушишмоқда. Биз эса, шу заминда илдиз отдик, шу ерда яшаймиз.

Суҳбатни Л. ПАК олиб борди.

• Шахсий фикр

АРАВА ЙЎЛИДАГИ ЧАНГ

АГАР осмонўпар бино бирдан қулаб тушса, унинг чангтўзони атрофни анчагача қора булутдек қоплаб олади. Табиийки, ларза ёнидаги кичик бинолларга ҳам ўз-ўзидан зиён етказади. СССР деб аталмиш собиқ империянинг қулаганига анча вақт бўлди-ю, лекин унинг даҳшатли тўзонлари мустақил республикалар тупроғидан ҳали батамом тарқаб кетгани йўқ...

«Труд» газетасининг шу йил 19-май сонида Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Б. Алламуродовнинг «Аравакашсиз аравага қийин» деб номланган суҳбати эълон қилинди. Бир қатор саволларга жўяли жавоб берган раиснинг айрим мулоҳазалари мени таажжубга солди. Масалан, ҳурматли раис мухбир В. Бирюковнинг миллатлараро муносабатлар ҳақидаги саволига жавоб бериб, жумладан шундай дейди: «Агар бизнинг республикада миллатлараро муносабатларнинг ҳаммаси ажойиб десам, ноҳақлик бўлади. Афсуски ,рус тилида сўзловчи аҳолининг кўчиб кетиши давом этмоқда. Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг шундай қўрқув пайдо бўлди...»

Биринчидан, бошқа республикаларга нисбатан Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ҳар қалай ёмон эмас (илоё кўз тегмасин), иккинчидан, агар кўчиб кетишаётган бўлишса, улар ўз ватанларига қайтяптилар-ку. Ватан ҳамма миллат учун азиз бўлганидек, русларга ҳам қадрли бўлса керак. Уларнинг ўз ота-боболари юртига қайтиш туйғусига монелик қилиш қандай бўларкан. Бундан афсусланишга ҳожат бўлмаса керак. Учинчидан, нега энди Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилингани бошқа миллатларни қўрқувга солиши керак?

Раис мухбирнинг қитмир саволларидан яна бирига жавоб бериб, хизмат юзасидан Навоий шаҳрига боргани, у ерда мудофаа аҳамиятига эга бўлган корхонадан бош муҳандиснинг кўчиб кетганлигини афсус билан таъкидлайди. Гўё бу ишга ўша инженернинг олий маълумотли хотини ташаббус кўрсатибди. Аёл ҳозир барча ҳужжатлар давлат тилида олиб борилаётган ҳисоблаш ташкилотида ишлар экан. «Нима, у эллик ёшида қайтадан ўқиши керакми? Мустақил Ўзбекистоннинг шундай мутахассислардан айрилиб, ютуқларга эришишига ишонмайман», дейди раис афсусланиб. Берилган жавоб хусусида баҳслашмоқчи эмасман. Лекин аслида давлат қонунларини ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатиши лозим бўлган муассаса раҳбари, «Узбекистон ССР-нинг давлат тили ҳақида»ги қонундан бехабармикан, деб ўйланиб қолдим...

Ашурали ЖУРАЕВ,
«Узбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг бўлим мудири.

• Бозор иқтисодиёти ва ишбилармонлик

ЯНГИЕРДА ЯРМАРКА

ЯҚИНДА Янгиерда «Голодностепстрой» қурилишдеҳқончилик саноат бирлашмаси тижорат марказининг ташаббуси билан шаҳарнинг 35 йиллигига бағишланган ярмарка ташкил этилди. У уч кун давом этди. Дастлабки кун 18 та биржа, фирма, хусусий корхона, ширкат, шунингдек, ташкилот ва муассасалар қошида ташкил этилган кичик корхоналар молларини савдога қўйган бўлсалар, учинчи куни уларнинг сони 80 тага етди. «Ўзбекистон», «Тошкент» биржаларининг «Ғарбий Сибирь — Брок — Сервис», «Шимол — Брок — Сервис», Гулистон ёғ-экстракция заводи, шу шаҳардаги «Каби», Янгийўлнинг «Мебель», қўшни Хўжанд вилояти Ўратепа шаҳрининг «Файз» фирмалари сотувга ёки айрибошлашга келтирган моллар сирдарёликларда қизиқиш уйғотди. Олмаоталик ишбилармонлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар қуриб беришни таклиф қилишди. Улар тавсия этган лойиҳалар қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ҳар томонлама қулай ва бир мунча арзон эканлиги кўпчиликка манзур бўлди.

Орск енгил металл-конструкциялар заводи ғалла сақланадиган ёпиқ омбор, турли савдо дўконлари қуриб бериш бўйича буюртмалар олдилар. Янгиердаги «Сванкоба» хусусий корхонасида тикилган курткалар ҳам харидоргир чиқиб қолди.

Ярмаркада 26 миллион сўмликка яқин шартномалар имзоланди.

Ортиқ СУЛТОНОВ.

Тўра СУЛАЙМОН

БУ ҲОФИЗ ЖИГИТДА БИР ГАП БОР-ОВ...

Биз Бобоназар бобо билан радиони эшитилар-эшитилмас қилиб қўйиб, дастурхон атрофида гурунглашмоқда эдик. Бир маҳал «Машъал»да Абдулла Бозоров «гап»ни «Самарқанд ушшоғи»дан бошлаб қолди. Суҳбатни шартта тўхтатиб, радио мурватини ўнг томонга қараб бурадик. Энди хонанда хониш қилмоқда, биз роҳат қилиб эшитмоқда эдик. Гал сўнгги ахборотга келганда, радио мурватини ҳамин қадар пасайтиргандан сўнг Бобоназар бобо:

— Тўрақул, дейман...

— Лаббай.

— Сенинг жуда кўп нарсаларингди артистлар айтишади. Бу жигитти ҳам танирсан?

— Танийман. Салом-алигимиз бор. Бу йигит ҳазрати Навоийдан, икки оламнинг эрка бандаси Машрабдан, Фузулий бузруклaридан, Зебунисобегимдан...

— Дадил экан. Асли қаерлик?

— Бухоро томонлардан.

— Бухорои шарифдан дегин. Киндик қони тоза жерга тўкилган экан. Демак, насл-насаби ҳам тоза?

— Худди шундай, бобо.

— Ҳа, айтди-ма, бу ҳофиз жигитда бир гап бор деб.

Бу, бутун умри меҳнат қилиш билан ўтган, «Даста ба кору дил ба ёр» деган муқаддас ақидага амал қила келган покдомон бир қариянинг Абдуллажонга берган баҳоси эди.

Мен номлари зикр этилаётган хонандамизнинг асли касб-кори «операбозлик» эканлигини, «Князь Игорь»да Князь, «Иолanта»да ибн Ҳаким ва бошқа бизнинг тилимизга осонликча тушмайдиган, ҳатто ҳазм қилишимиз ҳамин қадар қийин кечадиган жиҳатларини бобойга айтиб ўтишни лозим топмадим. Барибир у киши тушунмаган бўлур эдилар. Ҳай, майли, бу ўз йўлига. Гап Абдуллажоннинг «Қўшчинор», «Бўлайин», «Лазиз», «Қаро кўзим», «Бозиргони», «Қурбон ўлам», «Дилрабо келур», «Зебои ту» ашулаларини қиёмига етказиб ижро этишида.

Жисми-жонига куй бирла қўшиқ Маккаи Мукаррама онаизорларининг оқ сути билан кирганлигида. Гўзал оилада яхши тарбия топганлигида. Сўнг эса, устод отангдан улуғ, деганларидай консерваторияда таҳсил олиб юрганларида профессор Изра Элъян домлаларининг:

— Бизнинг мақом йўлларимиз — битмас-туганмас хазина. Бундан баҳраманд бўла билмаган санъаткорнинг йўли саёз, парвози паст бўлади, — деб таълим беришларида. Ва яна машҳур ҳофизларимиз — Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзовларнинг барларини тутиб, бу буюк зотларнинг назарларига тушганлигида. Гап кўп қўшиқ айтишда эмас, керак бўлса, биргина қўшиқ билан ҳам халқнинг тилига тушишни англай билишда. Абдуллажон Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрига ишга кириб «ҳай-ҳайлаб» юрган чоғларида ҳам халқимизнинг жон-дилидан яхши кўрадиган ашулаларни онда-сонда айтган кезларида «катта»лар томонидан:

— Операдан бир қадам нари жила кўрманг. Акс ҳолда,.. — деб партиявий топшириқ берган пайтларида ҳам иззатли хонандамизнинг ўз билганидан қолмаслигида.

Ота касбини давом этказган фарзанд хор бўлмайди, дейдилар. Абдуллажоннинг падари бузрукворлари ҳам хонанда бўлганлар. Аслида, санъаткорлик ҳам суяк сурадиган «касаллик». Шундан бўлса керак, Абдуллажоннинг фарзандлари — Комилжон билан Камолжон ҳам ўз бобо, ўз оталари йўлларидан бормоқда. Бу — ҳаммага ҳам насиб қила бермайдиган камдан-кам бахт. Яқинда Абдуллажоннинг Элликбойлик тўйи нишонланади. Ўша кунлари кўп санъаткорлар қаторида Камолжон билан Комилжон ҳам ўзлик-ўзларини кўрсатишар. Кўрармиз. Эшитармиз.

Ҳали эса олдинда Довонбеги, Тоғошди, Тўқсоба деган қутлуғ кунлар, улкан довонлар турибди. Мен ўша кунлари ҳам Абдуллажоннинг Тўйбобо бўлиб ўзидай салмоқли, салобатли қўшиқлар айтиб беришига, турфа гулгун гулдасталар бўйи баробарли бўлиб олқишланишига кўзим етиб, кўнглим бовар қилиб турибди.

«...РУҲИНИ ШОД ЭТСАНГИЗ»

— Ўтган йилнинг ёз ойларида фалокат туфайли оиламиз бошига оғир мусибат тушди, — деб ёзади Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли жамоа хўжалигида яшовчи Абдужаббор Жумабоев. — Номард кимсалар икки ўғлимни бензин билан ёқиб юборишди. 6 июль куни кечаси беҳуш икки фарзандимни Тошкент гўшт комбинати касалхонасининг куйганларни даволаш бўлимига олиб бордим. У ерда кичик ўғлимнинг аҳволини жуда оғир дейишди. Навбатчи шифокор Темир Эшонхўжаев улар атрофида парвона бўлиб қўлидан келган барча муолажаларни қилди. Кичик боламнинг кўзи яхши кўрмай қолди. Шундан сўнг уни дастлаб шаҳардаги кўз касалликлари шифохонасига, сўнг республика куйганлар марказига ўтказишди. Умри билан бермаган экан, у ерда болам бир-икки кун ётиб оламдан ўтди.

«Халқ сўзи» АРАЛАШГАЧ...

Темир акага минг раҳмат, катта ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қолди. Уч ой даволагандан сўнг уни бағримизга қайтариб берди. Худога минг қатла шукрки, ҳозир боламиз соғ-саломат ўйнаб юрибди. Очиғи, Темир аканинг хизматидан кўз юмсак, бизни худо кечирмайди.

Бу мактубни сизларга йўллашимдан мақсад ўша шифохонада ишловчи баъзи кимсалар менинг номимдан Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига у кишини қоралаб, ғиво хати йўллашибди. Мен буни уйимизга вазирликдан келган жавоб хатини ўқиб билдим. Ажабланарлиси шундаки, текширувчилар негадир мен билан суҳбат ўтказмадилар. Белгиланган тартиб бўйича биронбир ташкилотга шикоят тушса, хат муаллифи билан кўришиши керак-ку? Агар улар биз билан учрашганда бу ғиво фош бўлган бўлур эди.

Сизлардан илтимос, бизнинг номимизни сотиб, шифохонадаги муҳитни бузиб юрганлар жазоланса. Бу билан норасида фарзандимизнинг руҳини шод этган бўлардингизлар.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ

А. Жумабоевнинг «Халқ сўзи» рўзномасига йўллаган шикояти вилоят соғлиқни сақлаш бўлими томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Унинг фарзанди ўлимига алоқадор тегишли ҳужжатлар ва текширув хулосалари соғлиқни сақлаш бўлими томонидан вилоят прокуратурасига топширилган.

Зангиота райони Марказий шифохонаси бош врачининг буйруғига асосан Тошкент гўшт комбинати касалхонасининг куйганларни даволаш бўлими бошлиғи В. Гершенович вазифасидан озод қилинган.

М. БЕКНОЗОВА,
Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудираси.

ДУШАНБА, ЭРТА ТОНГДА

Талабаларнинг маънавий камолоти учун ҳам ғамхўрлик қилаётган Тошкент қурилиш техникуми маъмурияти билан халқ маърифатини юксалтиришни ўз олдига мақсад қилиб олган «Очун» ижодий уюшмаси ҳамкорликка келишиб олишди.

Энди ҳар душанба куни эрта тонгда талабаларга тарбия дарслари ўтилади. Машғулотлар миллатнинг тарихий сиймолари, ахлоқ-одобга доир Ҳадис ҳикматлари, адабий-маърифий суҳбатлар, халқ оғзаки ижоди, мусиқа, бадиий ҳунармандчилик каби йўналишларда олиб борилади.

Кеча бўлиб ўтган илк дарс «Амир Темур ва ҳақиқат» мавзуига бағишланди.

М. МАМАТХОНОВА.

ТАЛАБА ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

ЎШ муаллимлар олий илмгоҳида янгича «жазо» тартиби жорий этилди. Дарсга сабабсиз келмаган талаба 5 сўм, кечикиб келган талаба 3 сўмдан жарима тўлайдиган бўлди.

Р. КАРИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР

"УЗБЕК САВДО УЙИ"
Экспорт — Импорт
Фирмаси, LTD.

"UZBEK TRADING HOUSE"
Export — Import
Firm, LTD.

«ЎЗБЕК САВДО УЙИ» ФИРМАСИНИНГ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фирма ўзининг барча акционерларига эркакларнинг арзон нархлардаги қуйидаги устки кийимларини таклиф қилади: ПАЛЬТО, КОСТЮМЛАР, ШИМЛАР.

Харид қилиш масалалари бўйича «Ўзбек савдо уйи» фирмасига мурожаат қилинсин.

Акционерликни тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилиши керак.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: 34-85-09, 34-64-79, 34-96-31.

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ "БАРС" САВДО УЙИ

БАРС

НИЗОМ САРМОЯСИ 10.000.000 СЎМ ОБЛИГАЦИЯЛАРНИ СОТАДИ

Битта облигациянинг номинал қиймати бор йўғи 5.000 сўм. Муассислар кенгаши йиллик омонатнинг 25 фоиз фойда олишига кафолат беради.

Сўм ўта қадрсизланаётган ҳозирги пайтда "Барс" облигациялари омонатни сақлашнинг энг қулай воситасидир!

ШОШИЛИНГ!

Облигацияларга обуна бўлиш муддати чекланган.

Сизни қуйидаги манзилгоҳда кутамиз: Ҳамид Олимжон майдони, 13"А".

Телефонимиз: 33-02-47, 55-90-15.

Реклама ахборот агентлиги "ИНТЕРБАРС"

Телефонимиз 55-90-15.

ХУШХАБАРЛАР

Тошкент вилояти ҳокимлиги айрим районларда табиий офат юз берганлиги муносабати билан 23 май куни оммавий ҳашар ўтказишга қарор қилди. Ишлаб топилган пул сув тошқинидан азият чеккан оилаларга мадад бериш жамғармасига ўтказилди. Вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар жамоалари ҳашарда фаол қатнашдилар. Айни вақтда улар ўз имкониятини ҳисобга олиб жамғармага маблағ ҳам қўшдилар. Масалан, Олмалиқ конметаллургия комбинати 15 миллион сўм, Тошкент райони меҳнаткашлари 2 миллион сўм ўтказдилар.

* * *

Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳридаги «Шарқ юлдузи» давлат хўжалиги пиллакорлари вилоятда биринчилар қатори ҳосил топширишга киришдилар. Мавсумни Шаҳнозахон Тошматова, Оминахон Ғойипова оилавий звено аъзолари бошлаб беришди. Ҳар қути уруғдан 86 килограммдан кўпроқ пилла олиняпти.

* * *

Андижон вилоятидаги Марҳамат электротехника заводида ички имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу ерда электр дазмол тайёрлайдиган цех ташкил қилинди. Маҳсулотнинг дастлабки тажриба туркуми чиқарилди. Йил охиригача савдо тармоқларига 20 мингта дазмол жўнатилади.

* * *

Андижондан Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция йўлга чиқди. Экспедиция Бобур юрган йўллардан ўтади. Бундан мақсад ҳозир Афғонистон, Эрон, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва бошқа мамлакатларда яшаётган Бобур авлодларини излаб топиш, бобурийлар ҳақидаги халқ орасида сақланиб қолган ривоятларни тўплашдан иборат.

(ЎзА).

• *Наманганда Машраб тўйи*

ҚУТЛУҒ МУҚАДДИМА

Гўё табиат ҳам ҳафталаб кўкдан оби раҳмат ёғдириб борлиқнинг ғуборини ювди. Шанба тонги осмони бир парча булутсиз эди...

Наманганда одамлар жуда эрта уйғонадилар. Аммо бу кун муаззиннинг азони шаҳарликларни янада барвақт уйғотди. Ва шу он вилоят телевидениесида исёнкор шоир Машраб таваллудининг 350 йиллигига бағишланган ҳайрия телемарофони бошланиб кетди.

Шоир номи билан аталувчи янги боғга юқоридан назар ташласак, шоҳ Машрабнинг буюклигидан юрагинг энтикиб кетади.

Карнай-сурнайлар тантанавор оҳанглари, ноғараю доиранинг гижбанги остида шаҳару ноҳиялар аҳли бу манзилга ясан-тусан билан «оқди». Ўзбекистон ҳукумати давлат делегацияси, ижодий жамоалар вакиллари ҳозир бўлишди. Улар иштирокида қизил тасма кесилиб, боғ очилди. Шаршара қўйига «чопади», боғ узра ҳофизларнинг овозида Машраб сатрлари ҳаволанади, шоир Машраб ҳайкали уни соғинib келаётганларга пешвоз... Бу обида ҳам олқишлар остида очилди. Ўзбекистон жумҳурияти бош вазири ўринбосари Эркин Самандаров, хассос ёзувчи Одил Ёқубов сўзга чиқишди. Боғ бунёдкорларидан бири, қурувчи Жўрахон Абдураҳимов боғ директори Юнус Дадабоевга оромгоҳнинг рамзий калитини топширди.

Ҳаммага етгулик тўқин дастурхонлар тузалган. Жобирхон домла мискин Машрабнинг руҳи покига қуръон сурасидан тиловат қилди. Жиззали нонлар, ширинлигу ҳўл мевалар, зиғир ёғида дамланган хўшбўю хуштаъм ош элга манзур бўлди. Содиқжон Оғалиқов, Орифбой Қамбаралиев энг моҳир ошпаз деб баҳоланди. Боғ марказидаги 7 танобли сунъий кўл бағридаги оролга сўрилар, стол-стуллар қўйилган. Бир томонда дорбозлар маҳоратини кўрсатишаяпти. Палаклар, сўзаналар билан безатилган кенг майдон — тўйхона. 128 нафар фарзанднинг хатна тўйи ўтказилди. Улар — ота-онасиз, камҳарж оилалардан. Болалар жамғармаси вилоят бўлими мутасаддилари — шоир Ҳабиб Саъдулла ҳамда Наталья Рязанцева йигитчаларнинг ҳар бирига минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчаларини топширишди.

— Бугун, — деди шоир Жамол Камол, — ўзимиз, элимиз, юртимиз, динимиз, иймонимиз асл ўзлигига қайтаяпти...

Ҳа, ривоят қилишларича, Машраб эл таниб юрт кезиб юрганида айрим амалдорлар совға қилган тилло тангаларнинг бир донасини ҳам ўзига олмай, етимесирлар, камбағал фуқаролар бошидан сочган экан.

Тушдан сўнг адабиёт, санъат намоёндалари ноҳияларга йўл олдилар. Ва узоқ-яқин шаҳару қишлоқларда давом этаётган маъракалар, машрабхонликларга қўшилдилар.

Уч йиллик изчил тайёргарликнинг бир самараси сифатида ўтказилган бу ажойиб, улкан маросимни наманганликларнинг ўзлари Машраб даҳосини улуғлаш, шоир адабий меросини кенг халқ оммасига қайтариш йўлидаги муқаддима демоқдалар.

Наманган шаҳридан кетсам, мени йўқлар кишим борму?— дея нола қилган Ҳақ бандаси, исёнкор шоирни юртдошлари ҳар куни ёдлайдурган замон келди...

Р. ИРИСОВ,
М. УЛУҒОВА,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

• *Таклиф*

ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛСА...

ЎНЛАБ йиллар давомида улуғ бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур шахси ҳақида нохолис мулоҳазалар айтилиб, у зоти шариф номи асоссиз қораланиб келди. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бугунги давр — айни ҳақ сўзни сўзлаб, букилган ҳақиқатлар тикланмоқда. Тошкентдаги «Энгельс кўчаси» ўзгартирилиб, унга Амир Темур номи берилиши ҳақиқат қарор топаётганлигининг исботидир. Шунингдек, мазкур кўча келиб туташган «Октябрь инқилоби хиёбони» ҳам «Марказий хиёбон» деб қайта номланганлиги нур устига нур бўлди. Шулардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифни ўртага ташламоқчимиз: «Марказий хиёбон»даги К. Маркс ёдгорлиги ўрнига Амир Темур ҳайкали ўрнатилса.

Хиёбон тамомила қайтадан жиҳозланиши лозим. Чунки бу жой нафақат ороmгоҳ, балки табаррук зиёратгоҳ қиёфасини олмоғи керак. Ва бу борада кўпи билан йил охирига қадар энг яхши лойиҳа — чизма учун танлов эълон қилинса.

Юқоридаги ишлар учун катта миқдорда сарф-ҳаражат бўлиши табиий. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти, унинг Вазирлар маҳкамаси, пойтахт ҳокимлиги, Шаҳрисабз шаҳар маъмурияти, «Амир Темур жамияти», «Моваро-уннаҳр» диний бошқармаси ва барча йирик корхоналар, жамоа хўжаликлари (истаган якка шахслар ҳам) мазкур тарзда моддий кўмак бер-салар ёмон бўлмасди. Бу эзгу тадбир учун ихтиёрий ўринда гап фақат Амир Темур шахси эмас, миллий мустақил ўзбек халқи қадриятлари хусусида бораётганлиги аниқ. Айримлар: «Амир Темурнинг Тошкентга нима алоқаси бор?» дейишлари мумкин. Тарихдан маълумки, улуғ соҳибқирон кўҳна Тошкентга келганлар, унинг атрофидаги вайроналарни тиклашга бошчилик қилиб, Шоҳруҳия қўрғонининг барпо этилишида шахсан камарбаста турганлар.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истар эдик. Ҳайкал ўрнатиш (олиб ташлаш ҳам) республика миқёсидаги иш. Буни шаҳар ҳокимлиги ҳал этиши қонунда таъқиқланган. Шу сабабли фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарори бўлгандагина юқоридаги эзгу таклиф амалга ошиши мумкин, холос. Умид қиламизки, ҳукуматимиз бу масалани ижобий ҳал этади.

Малик МУРОДОВ,
«Амир Темур ўтган йўллар» экспедицияси раҳбари.

Дилмурод САИДОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги атамалар комиссиясининг масъул котиби.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раёсати Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари

Турмуҳаммад Анорович БОТИРОВ

оғир ва узоқ давом этган касалликдан сўнг, 1992 йил 22 майда вафот этганлигини қайғу билан маълум қилади ва унинг қариндош-уруғлари ҳамда яқин кишиларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент кўн-мўйна корхонасининг жамоаси Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш Ўзбекистон давлат уюшмаси раиси Ў. К. Исмоиловга онаси

Ихтиборхон ИСМОИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги қурилиши давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг собиқ раиси Н. Г. Қурбоновга онаси

Қароматхон ҚУРБОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулло ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.
• ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г-86.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди: 01.00.